

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИДА
ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШДА ТАРБИЯЧИ-
ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЎРНИ



Қарахонова Лобархон Мусахоновна
Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси
миллий институти бўлим мудир (PhD) катта илмий ходим



Маълумки, ҳар қандай мустақил давлат
мустаҳкам маънавий пойдеворга эга
бўлгандагина юксак тараққиётга эриша
олади.

Ш.М.Мирзиёев

“Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” асосида 3 — 6 (7) ёшли болаларни маънавий тарбиялаш, уларда шахсий фазилатлар, жумладан, ўз туйғуларини бошқариш, ижтимоий мотивларни уйғотиш, миллий анъаналарга қизиқишни пайдо қилиш, яқин кишиларга ғамхўрлик қилиш каби эҳтиёжларни шакллантиришга қаратилган «Бахтли бола маънавияти» комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”

“Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” ЎзРВМнинг 31.12.2019 йилдаги 1059-сон қарори,. V-боб 23-банди



Тезкор ривожланаётган даврда таълимни инсонпарварлаштириш педагог ва мураббийлар олдига улкан вазифаларни юклайди, яъни улар ахлоқий-маънавий жиҳатдан етук, ижтимоий фаол, ижодий фаолиятга мойиллик янгича касбий дунёқараш шунингдек, ўзгараётган замон талабларига мослаша олиш қобилиятига эга бўлишлари талаб этилади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда узлуксиз таълимнинг илк бўғини бўлган мактабгача таълим муассасасида фаолият юритаётган тарбиячиларга улкан масъулият юкланади. Бугунги кун тарбиячиси болаларга таълим-тарбия беришнинг энг самарали йўллари танлай олиш маҳоратига эга бўлиши керак.

ТАРБИЯЧИ-ПЕДАГОГ МАҲОРАТЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ!

Тарбия бериш жараёнида болаларда нафақат қоида ва хулқ-атвор меъёрлари, балки барча ижобий фазилатлар шакллантирилади. Бунинг учун тарбиячида педагогик маҳорат шакланган бўлиши лозим. Педагогик маҳорат инсон тарбиясини амалга оширувчи ўқув-тарбия ишларининг самарали бўлишига таъсир этувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.



НЕГАТИВ ФИКРЛАРГА НИМА САБАБ БЎЛМОҚДА?!

Нега бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида баъзи “боғча опалари”нинг фаолиятларида учраб тураётган нохуш ҳолатлар вужудга келмоқда? Бундай ҳолатларда биз тезда негатив фикрлар билдиришга тайёр турамиз! Айниқса, оналар, кенг жамоатчилик афсуски, ҳолатнинг туб моҳиятини тушунмасдан кўп ҳолатларда ходимнинг ишдан олиниши энг катта жазо ва ечим деб ҳисоблашади.



KUN.UZ





Тарбиячи педагог ҳам болаларга онадек. Кўплаб болалар эса, тарбиячисини ўз оналариданда азиз кўришади. Чунки у билан кун бўйи шуғулланади, доим ёнида бўлади. Бу касбни танлаган инсон биринчи навбатда болани севиши, унга меҳрли бўлиши, ҳар қандай вазиятда ҳам ақл билан, жаҳлга берилмасдан иш тутмоғи лозим. Бежизга айтилмаган, “Мураббийни у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам обод” деб.

Нега бундай ҳолатлар йилдан йилга кўпаймоқда ?

Афсуски бугунги кунда кўп оилаларда “Каттага ҳурмат, кичикларга иззат” тушунчалари камайиб бораётганлиги ёки болалар кўп ҳолатларда телефон, телевизорлардан тарбия олаётганлиги, балки ота-оналаримизнинг аксарияти фарзандларига етарлича вақт ажрата олмаётганлиги, ажратса ҳам фақатгина: “болажоним, бугун боғчада сени ҳеч ким урмадими?” қабилидаги саволлар бериш билан чекланишими, билмадим. Бунга кўплаб сабабларни келтириш мумкин. Бизнинг давримизда ота-оналар фарзандларини мактабгача таълим ёки мактаб таълимига берар экан, аввало ишонч билан “эти сизга, суяғибизга” қабилида иш тутганликлари сабабли деб ҳам ўйлайман.




Бундай ҳолатларни олдини олиш ва йўл қўймаслик учун тарбиячи-педагоглариимизнинг соҳа бўйича, маънавий-маърифий тарбия тушунчаларини ривожлантиришимиз ва такомиллаштиримиз талаб этилади. Негаки, тарбияли ва маънавияти соф тарбиячи-педагог олий ўқув юрти дипломига эга бўлар экан, жуда катта мақсадлар билан ёш авлодни катта мақсадлар билан тарбиялашни йўлга қўя олади. Яъни, билим, кўникма ва малака биринчи ўринда тарбиячи педагогнинг қўроли бўлиши лозим.

Кучли билим, албатта у соҳа бўйича билимгина бўлиб қолмасдан балки ҳаётий кўникмаларни болаларга сингдиришдек, муҳим вазифа ҳам тарбиячи-педагогнинг зиммасига тушади. Яъни яна таъкидлайман, тарбиячи-педагог ота-оналарнинг иш вақтини хотиржам ўтказиши учун фарзандларини назорат қилиб турувчи шахс эмас, у боланинг тарбияси учун масъул бўлган, болага илк ҳаётий тушунчаларни, яхшилик, ёмонлик, болаларча муҳаббатни, уни ўраб турган табиатни севиш лозимлигини, ота-оналарни улар учун муҳим эканлигини англатувчи, болалар назарида “ҳамма нарсани билувчи донишманд” сифатида гавдаланадиган азиз сиймо бўлиши лозим.


ТАРБИЯЧИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИНИ ТИЗИМЛАШТИРАМИЗ:




тарбиячи томонидан ўқув жараёнининг
мақсадга йўналтирилиши




таълим натижаларига кўра яратувчанлик
қобилиятига эга бўлиш



мулоқотчанлик малакасига эга бўлиш



энг қулай самарали ўқитиш усуллари ва
воситаларини танлай билиш



ўқув фаолиятинатижасига кўра бўлғуси
машғулотга ижодий ёндашган ҳолда
тайёргарлик кўриш

ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ АСОСИЙЛАРИ

тарбияланувчилар билан тарбиявий хусусиятга эга ўйинлар, байрамлар, турли тадбирлар ва ҳаракатларни амалга ошириш;

суҳбат, болашақсини ўрганиб бориш, уни атроф-муҳит билан алоқасини тўғри ташкил этиш бўйича унга тарбиявий ёрдам бериш

театрлаштирилган саҳна асарлари қўйиш, музейлар, қадимий шаҳарлар ва диққатгасазовор маданият масканларига тарбияланувчилар билан биргаликда кичик саёҳатлар уюштириш

бола шахсининг тарбияланганлик даражасидан манфаатдорлар-ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи шахслар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари ваташкилотларнинг белгиланган мутахассислари иштирокида тарбияланувчиларни тарбиялашга йўналтирилган кичик анжуманлар, байрам кечалари, ижодий танловлар ва спорт мусобақалари ўтказиш

“Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун тайёрланадиган спектакллар, куй-қўшиқ ва рақслар, турли театрлаштирилган томошалар, саҳна кўринишлари, миллий ўйинлар сценарийларини ишлаб чиқиш” масаласи ҳам бевосита болаларнинг руҳиятини миллий ғурур, миллийлик анъаналарини сингдириш заруриятини яратади. Яна бундай вазифа тарбиячи-педагог масъулиятига таянилади.

“Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси”. ЎзРВМнинг 31.12.2019 йилдаги 1059-сон қарорига илова. 14-банд.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МАЗМУНИНИ ИДРОК ЭТИШ МУМКИН:

- 1) мактабгача таълимда тарбиявий ишларни ташкил этиш назарияси, методологияси ва амалиётини билиш;*
- 2) мактабгача таълимда тарбиявий ишларни ўз вақтида, талаб даражасида ва тарбиявий қоидалар асосида ташкил этиш ҳамда амалга ошириш методлари, воситалари, технологиялари ва механизмларини билиш;*
- 3) мактабгача таълимда тарбиявий ишларни ўқувчиларнинг имкониятлари ва хусусиятларига мос равишда амалга ошириш, улар воситасида қўйилган мақсад ва вазифага эришишни билиш;*
- 4) мактабгача таълимда амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг самарадорлигини баҳолашни билиш.*



Мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг асосий мақсадлари мавжуд. Бунда биринчи мақсад – тарбияланувчиларни тарбиялашдир. Бундай тарбияни тарбиячи-педагог қуйидаги воситалар асосида амалга оширилади:

- 1) таълим муассасасида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш воситасида;
- 2) тарбиявий тадбирларнинг амалий самара бериши, қизиқарлилиги ва муайян муддат режимига амал қилиши воситасида;
- 3) боғча тарбияланувчиларини тарбиялашда ҳар бир тарбиявий хатти-ҳаракат, ёндашувлар ва тажрибалардан оқилона фойдаланиш;
- 4) тарбияланувчиларнинг тарбия олиш жараёнини тарбиявий тадбирлар воситасида кучайтиришга эришиш.

Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий ишларни амалга оширишнинг иккинчи мақсади – тарбияланувчиларни тарбия олиш, тарбияланиш ва тарбияга кўниктиришдир. Бу иш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

- 1) тарбияланувчиларни турли тарбиявий тадбирлар воситасида тарбия олишга кўниктириш;
- 2) мазкур тоифа тарбияланувчиларини тарбиявий тадбирлар асосида тарбияланишини ташкил этиш;
- 3) тарбияланувчиларни тарбиявий тадбирларга асосан тарбия қилиш;
- 4) тарбиявий тадбирларнинг амалий самарадорлигини ташҳислаб бориш

Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий ишларни амалга оширишнинг учинчи мақсади – бу тарбияланувчиларни бутун фаолият давомида тарбия олишга йўналтиришдир. Мазкур йўналтириш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

- 1) Тарбиявий жараёнда тарбиявий тадбирлар асосида болаларни маънавий тарбиялаш;
- 2) мураббийлар ва ота-оналар ҳамкорлигида тарбиявий тадбирлар ташкил қилиб, ҳамкорликда тарбия усулларида фойдаланиш;
- 3) тарбияланувчиларни оила, маҳалла ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда тарбиявий тадбирлар асосида тарбиялаш;
- 4) тарбияланувчиларни тажрибали педагоглар, мутахассислар ва мактабгача таълим муассасаси жамоаси ҳамкорлигида ташкил этиладиган кластер воситасида тарбиявий тадбирлар билан тарбиялаш.



Сўзимнинг хулосасида, таъкидламоқчиман, мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячи-педагогларнинг самарали фаолият юритиши, янгиликларга қўрқмасдан мурожаат қила олиш кўникмаларини шакллантириш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш кўп жиҳатдан муассаса раҳбарларига боғлиқ.

Сиз уларнинг ҳимоячиси, меҳрибон устози ва албатта билимдон иш устаси бўлишингиз зарур. Ҳар қандай ҳолатда тарбиячи-педагог сизнинг ҳимоянгизни, меҳрингизни, қўллаб-қувватлашингизни ҳис қилсагина қўрқмасдан инновацион ҳаракат қилади.

Ота-оналар ва жамоатчилик кенгашларининг негатив фикрларидан ҳам педагогик қўллаб қувватлаш орқали ҳимоя қилиш кўпроқ сизнинг кўлингиздан келади. Тарбиячи-педагоглар ҳам доим изланишда ва ўрганишда бўлар экан, барча ота-онанинг меҳрини қозониши турган гап.

Эътиборингиз учун раҳмат!